



дедилар) молини узиб олиш учун ёлғон қасам ичса, Аллоҳга йўлиққанида У Зот ундан ғазабланган ҳолда бўлур. Бас, **Аллоҳ** ўшанинг тасдиғини: «Аллоҳнинг аҳдини ва ўз қасамларини озгина баҳога сотадиганлар - албатта, ана ўшаларга охиратда яхши насиба йўқдир», деб нозил қилди», дедилар».

*Бешовлари ривоят қилишган.*

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ  
أَبْدًا ذَاكَ رُؤْبُ صَمِيحٍ لَمْ يَلَسْ وَهَيْلَ عِ  
دُوَادٍ وَبَأْهٍ أَوْرَ. «رَأَى لَنَا مِنْهُ دَعْوَةً حَقًّا وَهَيْلًا أَوْبَتِ لَيْلَ فِ

*Имрон ибн Хусойн* розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким ёлғондан лозим қилувчи қасам ичса, ўзининг дўзахдаги ўриндиғига тайёрланаверсин», дедилар».

*Абу Довуд ривоят қилган. Валлоҳу аълам!*